МАҒРИБУ МАШРИҚ

INTERNATIONAL LIFE

# ЯНА МОЖАРО ХАВФИ

## Ҳиндистон ҳаво кучлари т омонидан Покистон разведкачи самолёти у риб туширилди

ШАРҲ

Анчадан буён тинчиб қолган Жамму ва Кашмир теварагида яна низолар юзага келди. Хабарингиз бор, Кашмир анча вақтгача дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келган низоли ҳудудлардан бири эди. Лекин ўтган ҳафтада мана шу ҳудудда содир бўлган воқеалар туфайли Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар яна можароли тус олди.

Жанговар мусулмон гуруҳларидан бири мазкур ҳудудда жойлашган ҳинд ҳарбий лагерларига қуролли ҳужум уюштиради. Маълум бўлишича, улар Покистон артиллерияси ёрдамидан фойдаланишган. Биринчи ҳужум уюштирилгандан кейин Ҳиндистон ҳаво кучларининг МиГ-21 маркали қирувчи самолётлари бунга жавобан Покистоннинг разведкачи самолётини уриб туширади.

Мазкур воқеа юзасидан ҳар икки тараф — Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам ўз муносабатларини эълон қилишди. Ҳинд тарафининг фикрига кўра, бу самолёт Ҳиндистон ҳудудида, чегарадан 10 км ичкарида, Гужарат штати осмонида учиб юрган пайтида кўриб қолинган. Унга қарши учирилган МиГ-21 аввалига, бу нотаниш самолётнинг яқин атрофдаги авиабазага қўниши ҳақида сигнал берган. Аммо разведкачи самолёт сигналга қулоқ солмаган. Шундан сўнг у МиГ-21 томонидан йўналтирилган ракета билан уриб туширилган. Разведкачи самолётнинг бортида кетаётган 16 та одамнинг ҳаммаси ҳалок бўлган. Самолётнинг қолган-қутган қисмлари териб олиниб, Деҳлига жўнатилган ва журналистларга намойиш қилинган.

Исломобод эса бу маълумотларни қатъиян рад этмоқда. Унинг таъкидлашича, мазкур разведкачи самолёт ўқув машғулотини ўтаётган бўлиб, Ҳиндистон чегарасидан 2 км берида эди. Ва унинг бортида ҳеч қандай қурол-яроғ бўлмаган. Мазкур ҳалокатга нисбатан ана шундай қатъий норозилигини эълон қилар экан, Исломобод ўзида жавоб ҳаракатларини уюштириш ихтиёрини сақлаб қолишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳиндистон эса ўз навбатида мазкур норозиликка нисбатан муносабат тариқасида, Гужаратда жойлашган ҳаво кучлари базаларини тўла жанговар ҳолатга келтириб қўйди.

Демак, анчадан буён тинчиб қолган ҳудудда яна уруш хавфи туғилди. Зеро, бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади, деганларидек, қачонлардир уруш ва можаролар ўчоғи бўлган мазкур ҳудудда ҳали ҳам душманлик туйғуси, икки миллат ўртасидаги нифоқ ўчгани йўқ. Кимлар учундир эса бу айни муддао. Қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган халқларни жанжаллаштириб қўйиб, икки ўртада уруш чиқаришдан манфаатдор кучлар бу ишга аралашмаган, деб бўлмайди. Чунки, уруш, бу — қурол-яроғ, наркотик моддалар бозори деган гап. Унинг оқибатида эса мамлакатда иқтисод таназзулга юз тутади. Бу эса уруш бўлган давлатлар халқи қашшоқлашиб, у ерларда арзон-гаров, сифатсиз маҳсулотлар бозори шаклланади, турли касалликлар кўпайиши оқибатида эса халқ ожизлашиб, ташқи кучлар таъсирига тушиши учун шароит туғилади, деган гап.

**Барно ИСОҚОВА хориж матбуоти асосида тайёрлади**



ХОРИЖИЙ МЕҲМОН ҲАЯЖОНИ

ҚИЁС



# ДЕМОКРАТИЯ: ҲАР ЕРНИНГ ЎЗ ТАРОЗУСИ БОР

Жамият ҳаётида оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг ўрни ва роли беқиёс. Зеро, ҳуқуқий-демократик жамиятни қуришга интилаётган давлатнинг ҳамма соҳалари сингари журналистика ҳам ҳуқуқий ҳимояланган бўлмоғи лозим. Журналист — моҳиятан ижтимоий, яъни, халқ ичида юриб, унинг ташвишлари билан яшайдиган инсон. Унинг фаолияти мамлакатдаги миллионлаб инсонлар ҳаёти ва манфаатларига дахлдордир.

Маълумки, собиқ шўро ҳокимияти даврида эркин фикр юритиш, уни матбуотда тарқатиш мумкин эмас, фақат ўрнатилган коммунистик ғояни илгари суриш, ундан бир қадам ҳам четга чиқмаслиг лозим эди. Демократия эса чеклашларни кескин қоралайди ва дунё аҳлини матбуот эркинлиги учун курашга чақиради. Бу борада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида бундай дейилади: "Ҳар ким фикрлаш эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч қандай тўсиқсиз ўз фикрида туриш ва давлат чегараларидан қатъий назар, ҳар қандай воситалар орқали ахборотни қидириш, тўплаш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади". Ана шу моддада белгилаб берилган ва шунга ўхшаш қоидаларни биз яна "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт"нинг 19-моддаси ва "Болалар ҳуқуқи тўғрисида"ги конвенциясининг 13,17-моддаларида кўришимиз мумкин.

Хўш, биз матбуот эркинлигига қандай эришамиз, бу масала дунёда қандай ҳаял этилади, деган савол туғилади. Бу ўринда БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ЮНЕСКОнинг роли катта. Бу ташкилот охирги пайтларда дунё бўйича матбуот мустақиллиги, эркинлиги ва плюрализми бўйича иш олиб боряпти. Африкада, Осиёда ва Латин Америкасида мустақиллик ва плюрализмни ривожлантириш ҳақидаги декларацияларнинг бутун пафоси ана шу мақсадга қаратилган. Виндхук декларацияси /Африка, 1991 йил/ қабул қилинган кун - 3 май Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни деб эълон қилинган.

Матбуотнинг жамиятдаги мавқеи кучли бўлиши учун жаҳоннинг тараққий топган мамлакатларида унинг эркинлигига катта эътибор берилган. Сўз эркинлиги масаласи биринчи марта Швецияда 1766 йили қабул қилинган матбуот эркинлиги ҳақидаги қонун билан йўлга қўйилган. Шунинг учун бу давлатни, гарчи 1772 йилги давлат тўнтариши натижасида бу эркинлик йўқ қилинган бўлса-да, сўз эркинлиги конституцион мустаҳкамланган дунёдаги биринчи мамлакат сифатида тан олишади.

Мамлакатнинг ҳозирги қонуни 1949 йилда қабул қилинган бўлиб, у 1812 йилги "Сўз эркинлиги" ҳақидаги қонунга асосланади.

Америка Қўшма Штатларининг бу соҳада ўзига хос жиҳатлари бор. Бу ердаги матбуот дунёдаги энг эркин матбуотлардан бири ҳисобланади. У қонунчилик ёки бошқа таъсирлардан нисбатан холироқ жойда фаолият кўрсатади. АҚШ журналистлари мамлакат амалдор қатламлари ҳақидаги очиқ репортажлари ва танқидий шарҳлари билан дунёга машҳур. Шунга қарамай, бу ерда ҳам матбуотга нисбатан қисман бўлса-да, ҳуқуқий ва иқтисодий чеклашлар қўлланилади. Бу ҳолат, айниқса, 1990-1991 йиллардаги Форс кўрфази можароси вақтида АҚШ мудофаа вазирлиги томонидан матбуот вакилларининг можаро ҳақида ахборот олишга ва уни эълон қилишга нисбатан қўллаган қатъий чоралари билан изоҳланади.

Германия Асосий қонунининг 5-моддаси сўз эркинлигини қуйидагича изоҳлайди: 1. Ҳар ким оғзаки, ёзма ёки тасвирлар воситасида ўз фикрини тарқатиш, шунингдек, ҳамма учун очиқ манбалардан тўсқинликсиз ахборот олиш ҳуқуқига эга. Радио ва ТВ орқали тарқатиладиган матбуот эркинлиги ва ахборот эркинлиги кафолатланади; 2. Бу ҳуқуқларнинг чегараси умумий қонунлар, ёшлар ҳимоясига қаратилган қонунчилик қоидалари ва инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳимояси ҳуқуқи билан ўрнатилади.

Россияда эса матбуот масаласи турли қонунлар, жумладан, "Оммавий ахборот воситалари ҳақида"ги, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида"ги ҳамда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳақида"ги қонунлар, бир қанча қарор ва фармойишлар билан тартибга солинади. Ушбу қонунларда сўз эркинлиги алоҳида эътироф этилса-да, мавжуд конституция муайян чеклашларни белгилайди. Улар, аввало, ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва лисоний устунликни тарғиб қилишни, ижтимоий, ирқий, миллий ва диний адоват қўзғатувчи тарғибот-ташвиқотни тақиқловчи нормалардан иборатдир. Конституциянинг 24-моддасига мувофиқ, шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаёти ҳақидаги ахборотни тўплаш, сақлаш ва фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ахборотни қонуний тарзда қидириш, олиш ва бериш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва тарқатиш давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа махфий ахборотни ошкор қилмасликни назарда тутади.

Республикамизда матбуотда тарқатиладиган ҳақорат, туҳмат, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш каби ҳаракатлар кескин чоралар кўриш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин. Бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилади. АҚШ, Германия ва Швеция Конституциялари инсон шаъни ва қадр-қимматини конституцион ҳимоялаш чораларини кўришни таклиф этади. Кўпгина мамлакатларда туҳмат ҳам жиноят, ҳам фуқаролик қонунбузарлиги ҳисобланади. Туҳмат орқали етказилган маънавий ва моддий зарар одатда жарималар билан қопланади. Баъзи мамлакатларда /Германия, Нидерландия/ шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи конституция томонидан мустаҳкамланган. Швеция Конституцияси шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини туҳмат ҳақидаги қонун орқали ҳимоя қилади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда ҳукуматга тегишли бўлган ахборотни қўлга киритишнинг конституцион ҳуқуқи таъминланган. Швеция ва Австрияда ҳамма ҳужжатлар, агар уларни қонун тўғридан-тўғри истисно этмаса, очиқ ижтимоий характерга эга эканлиги тамойилига риоя қилинади. АҚШ ва Германияда ахборот олишга бўлган конституцион ҳуқуқ фикр эркинлиги ва матбуот эркинлигини кафолатловчи норматив актлар қоидаларида назарда тутилади. Германияда ҳукумат ахборотини фақатгина ОАВ вакилларигина олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат мамлакат Конституциясида белгиланган. АҚШда эса, бу ҳуқуқ ҳар бир фуқарода бор. Испания Конституцияси жамоатчиликнинг ҳукумат ахборотига эга бўлиш ҳуқуқини сўзсиз тан олади, фақатгина ошкор этиладиган ахборот давлат хавфсизлиги, жиноят-қидирувга ёки фуқаролар шахсий ҳаёти хавфсизлигига дахлдор бўлган ҳоллар бундан мустасно этилади.

Юқорида келтирилганлардан Республикамизнинг матбуот тўғрисидаги қонунлари кўп жиҳатдан жаҳон андозаларига мос келади, баъзи жиҳатлари билан бошқа мамлакатларникидан фарқ қилади ҳам. Бу фикримизни Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги қонуни мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу қонунда рекламанинг ОАВда эълон қилиниши масаласига алоҳида эътибор билан ёндашилган. Унда халқимиз дунёқараши, менталитети, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз ҳисобга олинган ҳолда иш тутилган. Жумладан, қонуннинг 6-моддасида рекламага қўйиладиган асосий талаблар қайд этилган. Хусусан, бу моддада порнографияни тарқатишга йўл қўйилмаслиги қоидаси мустаҳкамланган. Бундай чеклашни бошқа ривожланган мамлакатлар қонунларида учратиш қийин.

Мамлакатимизда алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари рекламасига ҳам муайян чеклашлар қўйилган. Уларнинг рекламаси тамаки чекиш ва алкоголли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши кераклиги ҳақида айтилади. Қонунда, шунингдек, қуввати 28 даражадан ортиқ бўлган алкоголли ичимликларни реклама қилиш, ТВ ва радиода эрталаб соат 7 дан кеч соат 22 гача тамаки маҳсулотларини ва қуввати 28 даражагача бўлган алкоголли ичимликларни реклама қилиш тақиқланиши ва бошқа бир қатор чеклашлар белгиланган.

Илғор ғарб мамлакатларида алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари рекламаси талаблари турлича. Масалан, Австрия, Канада, Нидерландия, Испания ва Швеция мамлакатларида бундай маҳсулотлар рекламаси ё чегараланган ёки умуман тақиқланади. Австрияда фақатгина ТВ ва радиода бундай реклама тақиқланади. Нидерландияда ҳам телевидение ва радиода тамаки маҳсулотлари рекламаси тақиқланади, спиртли ичимликлар рекламасига келсак, бунақа реклама спорт, болалар, соғлиқ каби тушунчаларни мутлақо ишлатмаслиги керак. Испанияда ТВ орқали сигаретлар ва қуввати 20 даражадан ортиқ бўлган алкоголли ичимликлар рекламаси тақиқланади. АҚШда чеклашлар фақат штатлар назорати доирасидагина мавжуд. Норвегияда бундай маҳсулотларни, ҳатто уларнинг рамзи туширилган ҳар қандай маҳсулотни реклама қилиш мумкин эмас.

Биз юқорида мамлакатимизнинг матбуот соҳасидаги қонунчилигини бошқа мамлакатлар қонунчилиги билан қисман солиштирдик, таҳлил қилдик. Натижа ўлароқ, республикамизда ОАВни ҳуқуқий тартибга солишда ўзига хос ютуқларга эришилганлигига гувоҳ бўламиз. Умуман, мамлакатимизнинг матбуот тўғрисидаги қонунчилиги ҳали яратилаётган бўлса-да, қабул қилинаётган қонунларимиз Ватанимизнинг том маънода чинакам ҳуқуқий давлатга айланиб бораётганлигидан дарак беради.

**Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,**
**Тошкент давлат юридик институти 4-курс толиби**

# НОСИЁСИЙ ИҚЛИМ

ОБИДА

## 900 ёшли казарма

Норвегиянинг Фредрикштадт шаҳарчасида XI асрда қурилган казармадан ҳалиям фойдаланиб келишаяпти экан. Яна бир қизиқ томони шундаки, бу бино қурилишида ажойиб ғаройиботликлар мавжуд. Унинг тўртта дарвозаси бор, бу йилнинг тўрт фаслига, ўн иккита мўриси эса ўн икки ойга ишора. Казарманинг 365 та деразаси бўлиб, улар йилнинг кунларига рамзан ўрнатилган. Ҳар бир дераза рамкаси эса, 24 тадан бўлакдан ясалган. Бу ҳам аниқ — куннинг 24 соати. Шунингдек, унда 52 та хона мавжуд бўлиб, бу йилнинг 52 ҳафтасининг ифодасидир.

ЖАСОРАТ

## Халоскор буви

Непал шаҳри яқинидаги бир қишлоқчада уч яшар болакай уйининг томида ўйнаб ўтирарди. Тўсатдан унга қоплон ҳужум қилиб қолди. Бечора болакай, агар халоскор бувиси бўлмаганида, ҳоли не кечар эди.

Жасоратли буви югуриб келиб, шартта набирасини йиртқичнинг чангалидан тортиб олди. Бола эса ҳали гап нимадалигини ҳам тушуниб улгургани йўқ эди. Унга ҳеч қандай зиён етмадию, баъзи ерлари салгина тирналди, холос. Бизнингча, бу ҳолни кўриб, қоплоннинг ўзи ҳам танг қолган бўлса керак. Яна қайдам...

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

## Машина... яйловга ўт қўйди

Эстонияда кейинги пайтларда ўрмон ёнғини ҳодисалари анча кўпайиб қолган. Уларнинг асосий айбдори сифатида тез-тез тилга олинадиганлар эса — бепарво сайёҳлар, албатта. Бироқ бу сафар...

Иэпра қишлоқчаси ёнидаги далага ўт кетди. Ўн гектар жойдаги яйлов, қирқ тонна хашакнинг кули кўкка совурилди. Билисизми, ёнғиннинг сабабчиси ким (тўғрироғи нима), дейишмоқда. Машинани айблашмоқда. Айрим гувоҳларнинг айтишича, ёнғин чиқишидан сал олдин бу ерда бир автомашина тўхтаган ва қўзғалаётиб, чуқур-чуқур "йўталиб" қўйган, "йўталган"ида тутунга аралаштириб, атрофга учқун ҳам сочган экан.

УДУМ

## Қалинга илон билан най

Шри Ланканинг шимоли-ғарбидаги чангалзорларда жойлашган айрим қишлоқларда жуда қадимий урф-одатлар ҳали ҳам сақланиб қолган. Ана шу ердаги Кумбуквева деган қишлоқда ғалати одат бор. Улар бегона қишлоқ ёки бегона қабиладан қиз олишмайди. Қўшни қишлоқдан уйланган эркакдан ҳазар қилишади, уни одам қаторига қўшишмайди. Уларда қизлар жуда ёш эрга берилади. Келин учун бериладиган энг қимматбаҳо қалин — ўргатилган кобра, саватча ва най ҳисобланади.

**Хориж матбуоти асосида**

# РУҲ ИМОРАТИНИ ТИКЛА!

## Сукрот ҳаким насиҳатларидан




**Сукротдан сўрадилар:**
**- Энг яхши бойлик нима?**
**У айтди:**
**- Холис дўст!**

* * *

***Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Суқротни айблади.***
***Сукрот унга:***
***- Агар мен хоҳласам, сендек кун кечиришим мумкин! Аммо, сен ҳеч қачон мен каби ҳаёт кечиролмайсан! - деди.***

* * *

**Бойлардан бири Сукротга:**
**- Сен жуда камбағал ва қуруққўлсан! - деди.**
**Сукрот унга:**
**- Агар сен фақирлик лаззатини билганингда эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг! - деб жавоб берди.**

* * *

***Суқрот қариган чоғида мусиқа билан шуғуллана бошлади. Шунда унга:***
***- Қариганда мусиқа ўрганишдан уялмайсанми? - дедилар.***
***У эса:***
***- Билишдан эмас, билмасликдан уялиш керак! - деб жавоб берди.***

# ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ — КЕНТУККИ ШТАТИНИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ!

ЭЪТИБОР

"Ҳуррият" ўқувчиларига Гулчеҳра Маткаримовани таништириб ўтириш шарт эмас. Ҳуқуқшунос, олима ва журналист, газетамизнинг фаол муаллифларидан бири Г.Маткаримованинг қатор мулоҳазаларга бой мақолалари газетамизда мунтазам ёритиб келинмоқда. Бевосита аёллар ҳуқуқи, ижтимоий ҳаётимизда маъмурий идораларнинг ўрни ва фаолияти хусусида мақолалари жамланган "Аввало инсон..." китобини бугун дўкон пештоқларидан тополмайсиз.

Хуллас, серқирра фаолият соҳибаси бўлмиш Гулчеҳра Маткаримовани қутлуғ Истиқлол байрами арафасида суҳбатга чорлаш ниятида



сўраб-суриштирсак, Америка Қўшма Штатларига сафарда экан. Маълум бўлишича, АҚШ ҳукумати ва ЮСАИД таклифи бўйича "Ўзбекистоннинг етакчи аёллари" дастурида иштирок этиш учун Гулчеҳра опамиз сафарга кетган экан.

Душанба куни эрталаб қўнғироқ қилиб билдикки, Г.Маткаримова тонг саҳарда юртимизга қайтиб келибдилар. Зиёратлар билан қутладик, сафар таассуротлари ва янгиликлардан сўрадик. Йўл машаққатидан ҳориган бўлса-да, опа раъйимизни қайтармади: йигирма кунлик сафар давомида ҳамюртларимиз кўплаб учрашувларда иштирок этиб, мезбонларга юртимиз ҳақида, амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида тўлқинланиб гапирибдилар, Вашингтон, Сан-Франциско, Нью-Йорк, Нью-Жерсида самимий мулоқотлар ўтказилибди, АҚШ адлия вазирлиги раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашув - катта мақолага мавзу бўларкан!

Энг муҳими - Гулчеҳра опа ва у кишининг ҳамроҳлари бўлмиш яна беш нафар юртимизнинг турли жабҳаларида фидойилик ила фаолият кўрсатаётган Раҳима Назарова, Мавлуда Ширинова, Ҳадича Жаъфарова, Наталья Кургановская Кентукки штатининг фахрий фуқаролигига қабул қилинибди.

Шу эмасми, республикамизда хотин-қизларга берилаётган катта эътиборнинг амалий ифодаси. Шу эмасми, бундай эътиборнинг амалий эътирофи!

Гулчеҳра Маткаримова сафар таассуротларини қоғозга туширгач, "Ҳуррият"га беражагини ваъда қилди. Ва унда юқорида номи зикр этилган аёлларимиз хусусида, уларнинг фаолиятлари борасида алоҳида фикр юритишни таъкидлади.

**Ўз мухбиримиз**

# АЖАБО!

**Ҳар нарсанинг стандарти бор даврда яшаяпмиз. Қарангки, спиртли ичимлик истеъмол қилишнинг ҳам жаҳон стандарти бор экан — бир киши учун йилига 10 литр. Бироқ руслар учун бунинг аҳамияти йўқ, шекилли, бу кўрсаткич ҳар бир рус бошига йилига 15 литрни ташкил этмоқда.**


Ўзингни англаб ет! ҲУРРИЯТ мустақил газета

18 - 24 август 33 (135) сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нуриддин ИСМОИЛОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —19.00
Буюртма — Г 0667

*Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

